

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 6585702665801

ОЗОДОВ ДИЛМУРОД БАҲРОМ ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШДА СОЛИҚЧИ-КЎМАКЧИ ТАМОЙИЛИНИНГ  
АҲАМИЯТИ ВА УНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
мутахассислиги бўйича

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:  
Иқтисодиёт фанлари доктори,  
доц. Ж.С. Файзуллаев

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

8-сонли баённома «25» 04 2023 й.

Илмий раҳбар: Файзуллаев Ж.С.

  
ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана


Магистрант: Озодов Д.Б

  
ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “23” 05  
№ 1/21 рақами билан рўйхатга олинган.

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси  
муdiri, доц. И.Хотамов 

“8” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “24” 05 соат 10<sup>00</sup> да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

## АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон республикаси солиқ тизимида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг назарий масалалари ҳамда айрим хорижий давлатларнинг солиққа оид халқаро тажрибалари ёритиб берилган. Хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда қўлланиладиган меъёрлар ва механизмлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий хулосалар олинган.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ назорати соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** *Кичик бизнес субъектлари, оилавий бизнес, халқаро солиқ принциплари, солиқ турлари, солиқ механизми, солиқ режимлари, солиқ имтиёзлари, йирик компаниялар, бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.*

## ANNOTATION

Theoretical issues of taxation of entrepreneurial activity in the tax system of the Republic of Uzbekistan and international tax experiences of some foreign countries were highlighted. The norms and mechanisms used in taxation of the activities of business entities in foreign countries are cited. As a result of the analyzes, scientific conclusions were obtained on the prospects for using the advanced experience of foreign countries in taxing the activities of business entities.

In the Republic of Uzbekistan, special attention is paid to ensuring the necessary level of collection of taxes and other mandatory payments, developing specific criteria and mechanisms for granting benefits, assessing the effectiveness of the benefits and preferences given. It is reflected in the reform of tax administration, the further improvement of the activities of the bodies of the state tax service and the formation of a "digital economy" with increased efficiency and development, as well as the acceleration of the implementation of generally recognized international norms and standards in the field of tax control into national legislation.

**Keywords:** *Small business entities, family business, international tax principles, tax types, tax mechanism, tax regimes, tax incentives, large companies, budget policy, crisis, budget, tax incentives, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax incentives, tax, tax rate, preferences.*

## МУНДАРИЖА

|                 |  |           |
|-----------------|--|-----------|
|                 | <b>КИРИШ</b> .....   | 7         |
|                 | Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....   | 7         |
|                 | Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....  | 8         |
|                 | Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....   | 9         |
|                 | Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....  | 9         |
|                 | Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....  | 10        |
|                 | Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....   | 11        |
| <b>I БОБ.</b>   | <b>АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ</b> .....   | <b>12</b> |
| 1.1.            | Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....   | 12        |
| 1.2.            | Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи.....   | 21        |
| 1.3.            | Тадқиқот гипотезаси.....   | 25        |
| <b>II БОБ.</b>  | <b>ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ</b> .....  | <b>37</b> |
| 2.1.            | Тадқиқот назарий ва методологик асослари .....   | 37        |
| 2.2.            | Маълумотларни тўплаш жараёни.....  | 38        |
| 2.3.            | Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....  | 39        |
| <b>III БОБ.</b> | <b>ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР</b> .....   | <b>40</b> |
| 3.1.            | Ўзбекистонда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашда солиқчи-<br>кўмакчи тамойилидан фойдаланишнинг хорижий тажрибалари<br>..... | 40        |
| 3.2.            | Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини солиқ дастаги орқали<br>тартибга солиш йўналишлари.....                                     | 49        |
| 3.3.            | Ўзбекистонда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-<br>қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш .....                | 58        |
|                 | <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....   | <b>70</b> |
|                 | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....  | <b>73</b> |
|                 | <b>ИЛОВА</b> .....   | <b>78</b> |

## КИРИШ

### Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳонда бюджет-солиқ сиёсати орқали бозор иқтисодиётини тартибга солиш натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, макро даражада барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Бу сиёсат солиқ юкини тўғри ва аниқ белгилашга асосланади ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилиш ва истиқболни прогнозлаш амалиётида муҳим ўрин тутди ҳамда ундан ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш усули сифатида фойдаланилади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг иқтисодий ўсишга таъсирини моделлаштиришни сифат ва миқдор нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболини белгилаш, аҳолининг моддий фаровонлигини узлуксиз оширишга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқилувчи стратегиялар ҳамда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Бироқ, фойда солиғи бўйича тушумларни тартибга солиш борасида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири бўлиб, солиқ ставкасининг оптимал меъёрини аниқлаш услубиётини ишлаб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади. Умуман олганда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг иқтисодий ўсишга таъсирини моделлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу докторлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини ва унда ечиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имконият яратади.

Жаҳонда бюджет-солиқ сиёсати орқали бозор иқтисодиётини тартиблаштириш натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, макродаражада барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Бу сиёсат солиқ